



Иккинчи жахон уруши тугалланишидан кўп ўтмай 7-Америка разведкасининг разведкачиси ажойиб операцияни амалга оширди. Бу операция вақтида Герман Геринг томонидан ўзлаштирилган санъат асарлари тўплами топилди. Европанинг ҳамма галереяларидан йигилган тўплам ташландик коннинг йўлакларида сақланарди. У ерда 1000 дана суратлар бор эди.

Халқаро экспертлар комиссияси суратларни саралаш ишларини бошлашди. Нодир асарлар орасидан 17 асрда ижод қилган улуғ голланд рассоми Вермеернинг «Исо ва гунохкор киз» номли сурати ҳам топилди. Экспертлар бутун санъат ва музей оламини келажакда бўладиган ва расм санъати билан боглик жуда катта можарога йўл очадилар, деб ҳеч кимнинг ҳаёлига ҳам келмаганди.

Хаммаси ҳам эътиборга молик бўлмаган далилдан бошланди. Бошқа суратлар каби бу сурат ўмарилмаган, балки Герингнинг жосуси томонидан Голландиядан сотиб олинганди. Экспертлар гуруҳининг голланд аъзоси газабланди.

— Кайси голландиялик Вермеерни сотиши мумкин? Ахир Нидерландияда ҳар бир яшовчи учун бу ном мукаддас-ку. гиролликнинг юздан ортик кўчалари номига қўйилган улуғ

устанинг суратларининг репродукцияларини энг гариб кулбаи вайронада ҳам учратиш мумкин. Ким бундай ишга юрак солди?

Эксперт газабга келтирадиган далилни аниклашга киришди. Озгина изланишдан сўнг суратни Герингнинг жосусига Амстердамлик рассом Ханс Ван Мегреен деган кимса сотганлиги аникланди. Ван Мегреен бой одам хисобланарди, бир неча даромадли уйлар, иккита кечки клуб унга карашли эди. «Исо ва гунохкор киз»ни Герингнинг жосуси сотиб олган, колган беш сурат Гаага, Роттердам ва Амстердам музейларига таркатилган.

Ван Мегреен суратларни каердан олган? Италиядан сотиб олибди. Ундай бўлса, итальян фашистлардан олиб, немис миллатчиларига сотганми? Ван Мегреени дархол камадилар.

Рассом уч хафтани камоқда ўтказди. Полиция ундан айбни бўйнига олишни талаб этар, у бўлса жим турарди. Сўроқлар давом этаверди. Нихоят Ван Мегреен ўзини тутиб туrolмади:

— Тентаклар! — кичкириб юборди у, - ҳеч канака Вермеерни сотганим йўк. Мен немисларга ўз суратимни сотганман, ўзимникини! Уни мен ана шу кўлларим билан чизганман!

Шундан сўнг сўроқларга жавоб бера бошлади. Ван Мегреен олтита калбаки сурат яратган, тўғрироғи, «Вермеер услуби»да чизган. Жами бўлиб булар учун саккиз миллион гулден ёки уч миллион доллар олган.

У нима учун бундай килди? Ўки узок вақтлардан бери унинг ноёб истеъдодини тан олмаган эшакмижоз танкидчиларни аҳмоқ килиш учунми? Качонки улар калбаки асарни кўриб, хайратдан чийиллай бошлардилар.

Дархол энг ўқимишли голланд экспертларини йигдилар. Улар бир овоздан ҳамма суратларни хакикий деб топдилар. Аммо бадийий тўғаракларда айкаш-чуйкаш фикрлар йўргалади. Бу масала Нидерланд ҳукумати томонидан ҳам кўриб чиқилди. Ван Мегреенга яна бир марта ўзининг «Вермеер»ини яратишга имконият беришга келишиб олинди.

Рассомга деразалари панжара урилган студияни ажратишди, каттик тартибдаги коровуллар назорати остида, муҳим материаллар билан таъминланди ва иш бошланди. Ван Мегреен оркасида полициячилар турганида ишлашнинг имкони йўк, деб норозилик билдирди, лекин улар бўлса-да, ишни давом эттираверди.

Янги «Вермеер» «Чакалок Исо»ни тасвир этарди. Бу ерда асл суратнинг ҳамма нишонлари бор эди — Вермеерга хос маромига етказилган техника, сарик ва хаворанг бўёқларнинг жилоси «пуантилло» услубига мос мўйкалам. 17 асрга хос бўлган чизиш материали ва мўйкалам ишлатилди.

Экспертлар яна йигилдилар. Ва яна унинг еттита иши хакикий деб топилди. Ундан ташкари Ван Мегреен ўз гунохининг асослигини ҳам тасдиқлаб берди. Герингга сотилган суратдаги, Исонинг ўтирган стули, Ван Мегреен студиясидаги стулнинг айнан ўз нусхаси

эди. Исонинг кўлларини рассом ўз кўлларида чизган. Экспертлар тўлик маглубиятга учрадилар.

Саломатлигининг ёмонлиги назарга олиниб, Ван Мегреенни бир йил камок жазосига ҳукм килдилар, аммо тахмин килишларича, асабининг зўрикканидан унча вақт ўтмасдан Мегреен вафот этади. У бор-йўги 58 ёшга кирган эди.

Музейлар доираларида жуда катта можаролар бошланади. Ким ҳам кафолат берарди уруш олди бўлган харидларининг ҳаммаси ҳам асл нусха деб? Санъатшунослар ҳазиллашиб ҳам кўйишарди.

— Камил Коро ижод килган 2500 ишдан 7800 таси АКШда бор, бундан ташкари мисол учун Рембранднинг калбаки ишларининг фарқи асл ишларидан олти марта кўпроқ ва шунга ўхшаш.

Ван Мегреен ўз холича зўр истеъдод эгаси эди, ахир у бошқа суратлардан кўчирмас, уларни ўзи ўйлаб, ўзи чизарди. Танкидчилар уларни Вермеернинг энг яхши ижод маҳсулларида деб билардилар.

Ван Мегреен ҳаётлигида унинг хавоси жуда баланд бўлиб, шунинг учун танкидчиларни ўзига қарши қилиб олган ва улар уни тан олмаганлар деб билардилар. Шунинг учун танкидчиларни аҳмоқ қилиш унга кўтаринки рух бахш этарди. Хўш, нима учун айнан Вермеер? Нима учун Пикассо ёки Вае Дейк эмас? Голланд рассоми факатгина назокатли эски мўйкалам сохиби билан мусобакалашиш лозим деб ҳисобларди. Бундан ташкари, Вермеер унинг энг яхши кўрган рассоми эди.

Ван Мегрееннинг калбаки ишларини мураккаб химик ёки рентген оркали фош қилишнинг иложи йўқ. У ҳаммасини назарга олганди — чизиш материални (холстни) сифати ва бўёқларнинг таркибига. Хозирги замондаги рассомлар каби у бўёқларни зигир ёғида тайёрламас, унинг бўёқлари алоҳида тайёрланар ва у бир флакон бўёкка икки минг доллар тўларди. Бундан ташкари кўргошин белила ўрнида у рух белиласини ишлатарди.

Рассом суратларни калбакилашни ўзининг Италия сафарида бошлади. Худди шу ерда бўлмаган тўмламлардан харид қилиш гоёси тугилади ва сафардан Голландияга қайтганидан сўнг, Амстердамнинг энг ҳурматли ва қари экспертини топади. 80 ёшли устаси фаранг, унинг ҳамма ишларини гап-сўзсиз хақикий деб топди. Экспертни Абрахам Бредиус деб атардилар.

1937 йилнинг охирида Роттердамдаги Бойман музейи суратларни рентген ва кимёвий таҳлил ёрдамида синовдан ўтказди. Ундан кейин ҳар бир сурат учун ярим миллиондан талаб этдилар. Буларнинг ҳаммаси қиролича Вилгелмина юбилейи шарафига ўтказилган кўргазмага қўйилди ва оламшумул хайратга соладиган воқеага айланди.

Буларнинг ҳаммаси хақикий муаллифни завклантирар, у факат бир нарсадан қуюнарди. «Эссиз, суратни Герингга сотмаслик керак экан. Мен шу ерда хато қилган эканман».

Рус тилидан Субхон УСМОНОВ таржимаси